# ЭКОНОМИКАНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

## *СССР СТАТИСТИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ХАБАР ҚИЛАДИ*

Мамлакат меҳнаткашлари 1988 йил бошидан буён ижтимоий ишлаб чиқаришни ва унинг самарадорлигини янада ўстиришни, халқ фаровонлигини оширишни таъминладилар, дейилади СССР Статистика давлат комитетининг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планининг 1988 йил биринчи кварталида бажарилиш якунлари тўғрисидаги ахборотида.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР қонуни кучга кирганлиги, кўпгина корхоналар тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтганлиги уларнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда фаолият натижалари учун масъулиятини ошириш шароитини яратди, меҳнат коллективларининг ишини активлаштирди.

Ижтимоий меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 4 процент ошди, ҳосил қилинган миллий даромадни ўстиришнинг ҳаммаси шу йўл билан таъминланди.

Саноат маҳсулоти 11 миллиард сўмлик миқдорда кўпайди, унинг ҳажмини ошириш юзасидан белгиланган кўрсаткичга эришилди.

Марказлаштирилган давлат капитал маблағлари ҳамда корхона ва ташкилотлар фондларининг маблағи ҳисобидан 0,9 миллиард сўмликдан кўп асосий фондлар ишга туширилди.

Шу билан бирга бир қанча кўрсаткичлар юзасидан план топшириқларини амалга оширишда қолоқликка йўл қўйилди. Саноат маҳсулоти етказиб беришга оид шартномавий мажбуриятларни бузиш ҳали ҳам содир бўлмоқда. Машинасозлик комплекси кўпгина турдаги маҳсулотлар юзасидан давлат буюртмасини бажармади. Халқ истеъмол қиладиган бир қанча молларни ишлаб чиқариш белгиланганидан камроқ бўлди. Баъзи регионларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш камайишига йўл қўйилди.

СССРнинг ташқи савдо обороти 31,6 миллиард сўмни ташкил этди ва 1987 йилнинг биринчи кварталига нисбатан 8,2 процент ортди. Жаҳон бозорига бевосита чиқиш ҳуқуқи берилган министрлик ва идораларнинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши 18 процентни, импортдаги улуши 30 процентни ташкил қилди.

Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга 6,7 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7 процент кўп маблағ сарфланди. Шу мақсадларда сарфланган давлат капитал маблағи жами ҳажмининг ярмидан кўпроғини корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ташкил этди. Саноатда 1,5 мингтага яқин механизациялаштирилган поток, автомат, ротор ва ротор-конвейер линиялари ҳамда рақамли программа асосида бошқариладиган 2000 тадан кўпроқ металл қирқиш станоклари ўрнатилди. Бир қанча ишлаб чиқариш комплексларининг техникавий кўрсаткичлари яхшиланди.

Қишлоқ хўжалигига қудратли трактор, бошқа серунум машина-механизмлар етказиб бериш кўпайди. Шу билан бирга бир қанча агрегатларнинг ишдаги пишиқ-пухталиги ҳозирги талабларга мос келмайди.

Саноат маҳсулотининг 800 тага яқин янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарила бошлади

Давлат буюртмасига киритилган янги техникани етказиб бериш юзасидан корхоналарнинг биринчи квартал планлари 86 процент бажарилди. СССР Рангли металлургия министрлиги, СССР Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги, СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги корхоналари маҳсулотни тўла-тўкис етказиб бермадилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиётининг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс программасини амалга ошириш давомида социалистик мамлакатлар билан алоқалар кучайди, 60 та қўшма коллектив, лабораториялар, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва халқаро ташкилотлар тузилди. Бироқ ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ва электрлаштириш воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан берилган айрим топшириқлар бажарилмаяпти.

Тармоқлараро фан-техника комплексларининг ишланмалари бўйича маҳсулот етказиб берилди. Бироқ тажриба-экспериментал базаларини, лаборатория-синов марказларини ҳамда тармоқлараро фан-техника комплекслари таркибига кирувчи бошқа объектларни қуришга ажратилган капитал маблағлардан тўла фойдаланилмади.

1988 йилнинг январидан бошлаб маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилган саноат бирлашмалари ва корхоналари доираси 2,2 мингтага етказилди. Март ойида давлат қабули маҳсулотнинг 1,3 миллиард сўмлик 8 процентини биринчи бор тақдим этишда қабул қилмади; йил бошидан буён ўтган давр ичида 18 миллион сўмлик маҳсулот брак қилинди.

Кўп сменали иш режимидаги цехларнинг ишчилари ўтган йилга нисбатан 320 минг нафар ёки 2,5 процент кўпайди. 112 мингтага яқин машина-ускуна, 1,4 миллион квадрат метр ишлаб чиқариш майдони бўшатиб олинди. Уларнинг ярмидан кўпроғидан янги машина-ускуналарни жойлаштириш учун, учдан бир қисмидан меҳнат шароитларини яхшилаш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун фойдаланилди.

Умуман корхоналарни кўп сменали иш режимига ўтказиш соҳасидаги ишнинг авж олиши суст бормоқда. Машина-ускуналардан фойдаланишда туб бурилишга эришилмади, машина-ускуналар ишининг сменали коэфиценти пастлигича, бекор туриш ҳоллари кўплигича қолмоқда.

Янги ишга туширилган ва реконструкция қилинган қувватларни ўзлартиришда ҳали ҳам катта камчиликлар бор.

Халқ хўжалигида салкам 5 миллион тонна шартли ёқилғи, 0,5 миллион тонна қора металлар прокати тежалди, салкам 40 миллион гигакалория иккиламчи иссиқлик ресурсларидан фойдаланилди. Истеъмолчиларни кўмир ва газ билан таъминлаш электр ва иссиқлик энергияси бериш, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг ёқилғи билан ишлайдиган станцияларига ёқилғи юбориш белгиланган лимитлар доирасида амалга оширилди.

Халқ хўжалигида 128,4 миллион ишчи, хизматчи ва колхозчи ишлаб турибди (ўтган йилнинг бирчи кварталида 128,1 миллион киши эди). Ишлаб чиқариш тармоқларида ишчи кучининг реал бўшатиб олиниш жараёни сезиларли равишда жадаллашди: саноатда, транспортда ва қурилишда ишловчилар сони биринчи кварталда 0,4 миллион нафар камайди. Бўшатиб олинаётган ходимлар бошқа ташкилот ва тармоқларга, шу жумладан аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғига ишга жойлаштирилмоқда, ишчи кучининг бутун кўпайган қисми шу соҳага юборилди.

Кооперативларда биринчи кварталда 0,2 миллион киши ишлади (ўтган йилнинг биринчи кварталида 15 минг киши эди). 0,4 миллион граждан якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланди.

1988 йил январидан эътиборан 76 мингтадан кўпроқ бирлашма, корхона, колхоз, совхоз, ташкилот тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишламоқда, уларда салкам 51 миллион киши меҳнат қилмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг 60 процентдан кўпроғи, алоқа корхоналари хизматининг 100 проценти, чакана товар оборотининг 97 проценти, пудрат ишлари ҳажмининг 37 проценти уларнинг улушига тўғри келади. Бу йил транспорт корхоналарининг 88 проценти ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ярмидан кўпроғи ўз фаолиятини ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида амалга оширмоқда.

Биринчи кварталда маҳсулот етказиб беришга оид шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишловчи саноат бирлашмалари ва корхоналарида 99,3 процентни ташкил этди, бу эса бошқа корхоналарга нисбатан бир мунча яхшироқдир. Шу даврда меҳнат унумдорлигининг ўсиши (6,6 процент) тармоқнинг бошқа корхоналарига нисбатан бир мунча юқорироқ (4,2 процент) бўлди, айни вақтда янги хўжалик механизмининг имкониятларидан ҳали етарлича тўлиқ фойдаланилмаяпти. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР қонунига хилоф равишда топшириқ бериш фактлари учраб турибди. Материал-техника таъминотидаги камчиликлар корхоналарнинг ташаббусини қисиб қўймоқда. Кўпгина министрликлар янги шароитда ишловчи корхоналарга ички ишлаб чиқариш хўжалик ҳисобини жорий этишда тузукроқ амалий ёрдам бермаяптилар. Кўпгина корхоналарнинг кадрлари хўжалик ҳисоби талабларига тайёрланмаганликлари маълум бўлиб қолди.

Саноатда давлат буюртмаларига мувофиқ маҳсулот етказиб бериш ва истеъмолчилар билан шартномалар асосида бевосита алоқалар юзасидан олинган шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини яхшилашга эришилди. Мажбуриятлар 1987 йилнинг биринчи кварталидаги 97,8 процент ва умуман ўтган йилдаги 98,3 процент ўрнига 99,2 процент бажарилди. Бирлашма ва корхоналарнинг 11 проценти шартнома интизомини бузди (1987 йилнинг биринчи кварталида уларнинг 20 проценти, 1987 йилда 23 проценти бузган эди). 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилмади (1987 йилнинг биринчи кварталида 3,8 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилмаган эди).

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 5,0 процент ошди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши 5,4 процентни ташкил этди. Маҳсулотни ўстиришнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ходимлар сонини мутлақ қисқартириш шароитида таъминланди. Фойда кўпайди. Умуман тармоқда ва машинасозликдан ташқари унинг барча комплексларида фойда планининг бажарилишига эришилди. Белгиланган топшириққа қўшимча тарзда газ конденсатини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 2 миллион тонна нефть, 5,5 миллиард куб метр газ ва 7,5 миллион тонна кўмир, жумладан 3 миллион тонна коксланадиган кўмир қазиб олинди. Шу билан бир қаторда комплексдаги бир қанча корхоналар ва бирлашмалар ёнилғи-энергетика ресурсларини қазиб олиш юзасидан белгиланган топшириқларни адо этмадилар. Бу эса шартномавий мажбуриятларни тўла ҳажмда бажаришга имкон бермади.

Металлургия комплексида тайёр прокат ва пўлат қувурлар ишлаб чиқариш юзасидан давлат буюртмаси бажарилди. Аммо металл маҳсулотининг юқори самарали турларидан бўлган паст легирланган пўлатдан тайёрланган прокат, совуқ ҳолда тайёрланган пўлат тунука, насос-компрессорлар учун ниҳоятда мустаҳкам қувурлар ва бошқа маҳсулотлар топшириққа нисбатан камроқ тайёрланди. Натижада истеъмолчилар олдидаги шартномавий мажбуриятлар тўла бажарилмади. Рангли металлургия саноати корхоналари давлат буюртмаси номенклатураси маҳсулотининг барча асосий турлари бўйича топшириқни бажармадилар. Умуман металлургия комплексида йил бошидан буён 108 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди.

Машинасозлик комплексининг иши бирмунча яхшиланди — шартномавий интизом даражаси кўтарилди. Ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан металлга ишлов бериш ва энергетика ускунаси, ҳисоблаш техникаси воситалари, маҳсулотнинг бир қанча бошқа турларини ишлаб чиқариш анча кўпайди. Айни вақтда давлат буюртмаси топшириғининг кўп позициялари бажарилмади, умуман комплекс бўйича етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми 286 миллион сўмни ташкил этди.

Машинасозлик корхоналари бир-бирларига комплектловчи буюмларни ўз вақтида етказиб беришни таъминламадилар. Маҳсулотнинг айрим турлври бўйича ойлик ишлаб чиқариш ҳажмининг 40 процентдан кўпроғи ойнинг сўнгги кунларига тўғри келди.

Химия-ўрмон комплекси корхоналарида прогрессив конструкциядаги пластик материаллар, синтетик толалар ва иплар, радиал конструкциядаги шиналар, шиша пластиклар ва улардан буюмлар тайёрлаш кўпайди. Айни вақтда бир қанча корхоналар ва бирлашмалар фаолиятидаги камчиликлар комплекс тармоқлари иш натижаларига таъсир этди. Йўл қўйилган қолоқлик шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламади. Умуман комплекс корхоналари 269 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар.

Қурилиш комплекси саноатида биринчи квартал топшириғига қўшимча тарзда 600 минг тоннадан кўпроқ цемент, қарийб 900 миллион асбоцемент шартли плиталари, 564 минг квадрат метр қурилишбоп ойна ишлаб чиқарилди. Йиғма темир-бетон конструкциялар ва буюмлар, деворбоп материаллар, санитария-техника ускуналарининг айрим турларини ишлаб чиқариш юзасидан топшириқлар бажарилди. Умуман йил бошидан буён қурилиш материаллари саноат корхоналари тузилган шартномаларга нисбатан 23 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар.

Январь—март ойларида чакана нархларда 80 миллиард сўмликдан кўпроқ халқ истеъмол товарлари (алкоголли ичимликлардан ташқари) ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5 миллиард сўмлик кўпдир. Алоҳида урф бўлган буюмлар ва истеъмол хоссалари яхшиланган янги товарлар ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайди. Шу билан бирга истеъмолчиларга 87 мингта радиоприёмник қурилмалари, 42 мингта магнитафон, 44 мингта кир ювиш ва 26 мингта тикув машиналари, 44 мингта электр пилесослар кам етказиб берилди. СССР Енгил саноат министрлиги конкрет номенклатура бўйича 164 миллион сўмлик маҳсулот ва товарларни кам етказиб берди.

Агросаноат комплексининг саноат корхоналари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш биринчи квартал топшириқларини бажардилар. Аммо аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бир қанча жойларда жиддий камчиликлар бор.

Грузия ССР ва Озарбайжон ССР саноат корхоналари гўшт етиштириш топшириғини, Тожикистон ССР саноат корхоналари ўсимлик ёғи ва сариёғ тайёрлаш топшириғини, Озарбайжон ССР корхоналари қаймоғи олинмаган маҳсулотлар тайёрлаш топшириғини бажармадилар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида биринчи кварталда 5,6 миллион тонна гўшт (тирик вазнда) етиштирилди ёки ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 2 процент кўп гўшт тайёрланди, 17,3 миллион тонна (5 процент кўп) сут соғиб олинди, 15,6 миллиард дона тухум (6 процент кўп) тайёрланди.

Украина ССР, Грузия ССР, Молдавия ССР, Эстония ССР биринчи кварталда чорва, парранда хариди ҳажмини, Тожикистон ССР ва Арманистон ССР эса сут хариди ҳажмини камайтириб юбордилар. Украина ССРдан ташқари барча иттифоқдош республикалар умумиттифоқ фондига планга кўра чорвачилик маҳсулотлари етказиб берилишини таъминладилар. Украина ССР гўшт маҳсулотлари планини бажармади.

Техникани кўкламги дала ишларига тайёрлаш ниҳоясига етказилмоқда. Аммо ҳамма жойда ҳам техника ремонти ва уни ишга тайёрлаш зарур суръатларда олиб борилаётгани йўқ.

Тракторлар ҳамда тупроққа ишлов берадиган ва экиш машиналарининг, минерал ўғитлар ҳамда химиявий озуқа қўшимчаларининг кўп турларини етказиб бериш юзасидан тузилган шартномавий мажбуриятлар бажарилди. 89 минг трактор, 56 минг трактор плуги, 10 минг дискли борона, 55 минг трактор культиватори, 42 минг трактор сеялкаси, ерга минерал ва органик ўғит соладиган 27 минг машина етказиб берилди.

Минерал ўғит (озуқа моддалари 100 процент ҳисоблганда) етказиб бериш 7,2 миллион тоннани ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 153 минг тонна кўпдир, ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 41 минг тонна кўп — 306 минг тонна химиявий озуқа қўшимчалари етказиб берилди.

12 та иттифоқдош республикаларнинг хўжаликлари кўкламги экишга киришдилар. 4 апрелга қадар 3,8 миллион гектар ерга баҳорги экинлар, шу жумладан 2,2 миллион гектар ерга дон ва дуккакли экинлар экилди.

Агросаноат комплексида (қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган тармоқларини ҳам қўшганда) пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 10 миллиард сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. Бу белгиланган лимитнинг 104 процентини ташкил этади.

Давлатнинг марказлашган капитал маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотлар фондлари маблағлари ҳисобига 17,3 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

23,2 миллиард сўмлик марказлаштирилган давлат капитал маблағлари ўзлаштирилди. Бу шу даврга белгиланган лимитнинг 99,6 процентини ташкил этди. Корхоналар ва ташкилотлар ўзларининг 10,9 миллиард сўмлик маблағларидан фойдаландилар, уларнинг капитал маблағ ҳажмидаги улуши 32 процентга етди.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган пудрат ишлари ҳажми 7 процент, меҳнат унумдорлиги 8,9 процент, қурилиш комплекси ташкилотларида ана шу кўрсаткичлар тегишлича 7 процент ва 9,5 процент ортди. Умуман қурилиш ташкилотларида пудрат ишлари плани 104 процент бажарилди.

Темирйўл транспортида умуман юк жўнатиш топшириғи 105 процент, денгиз транспортида чет элларга ва чет эллардан юк ташиш 104 процент бажарилди. Транспорт ҳамма турларида пассажир обороти 4 процент кўпайди ва 235 миллиард пассажир-километрга етди.

1988 йил 1 апрелида аҳоли 285,2 миллион кишига етди.

Халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи 1988 йилнинг биринчи кварталида ўтган йилнинг шу давридаги 202 сўмдан 210 сўмга етди ёки 4 процент кўпайди, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидаги меҳнат ҳақи 143 сўмдан 148 сўмга етди (3 процент кўпайди).

Ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтиш давом этмоқда. Бу шароитга ўтиш Эстония ССРда ниҳоясига етказилди. Озарбайжон ССР, Арманистон ССР, Молдавия ССР, Ўрта Осиё республикалари бошқа иттифоқдош республикалардан орқада қолмоқдалар.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 40 миллиард сўмликдан кўпроқ, яъни ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 2 миллиард сўм кўп тўлов ва имтиёзлар олди.

Ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оилаларига ўн йил ва ундан кўпроқ вақт муқаддам белгиланган пенсияларни кўпайтириш давом эттирилди. 1988 йилнинг 1 январидан эътиборан колхоз аъзолари ва уларнинг оилаларига камида ўн йилдан бери тўлаб келинаётган пенсияларнинг энг оз миқдорлари оширилди.

Медицина хизматини яхшилаш тадбирлари ўтказилди. Беморлар овқатига, дори-дармон, соғлиқни сақлаш муассасалари учун асбоб-ускуна ва анжомлар сотиб олиш ҳаражатларининг нормалари кўпайтирилди, 3 ёшгача бўлган болаларни даволаш учун дори-дармонларни текинга бериш ва бошқа имтиёзлар жорий этилди.

Етим болаларнинг ва ота-оналарининг қаровисиз қолган болаларнинг моддий таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Аҳолининг СССР омонат банки муассасаларидаги омонатлари квартал мобайнида 8,1 миллиард сўм миқдорида ошди.

Аҳолига халқ истеъмол моллари сотиш ва пулли хизматлар кўрсатиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатаан 6,5 процент кўпайди.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти ҳажми 86,5 миллиард сўмликни ташкил этди ва 1987 йилнинг биринчи кварталига нисбатан (амалдаги нархларда) 4,6 миллиард сўмлик кўп бўлди. Умуман мамлакатда товар обороти умумий ҳажми юзасидан белгиланган топшириқ 527 миллион сўмлик миқдорида бажарилмади.

Алкоголли ичимликлар сотиш тахминан 1987 йилнинг биринчи квартали даражасида бўлди. Шу билан бирга арақ ва ликёр-арақ маҳсулотларини сотиш 4 процент қисқарди.

Савдога гўшт ва сут маҳсулотларининг тушиши кўпайишига қарамай, аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган талаби қондирилаётгани йўқ. Бир қанча шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги магазинларда карамель, конфет, печенье, пряник ва бошқа кондитер маҳсулотлари узоқ вақт сотилмаяпти. Нон ва нон-булка маҳсулотларининг турлари ва сифати айрим ҳолларда аҳолининг талабларига мувофиқ эмас. Аҳоли картошка ва мевалар билан қониқарсиз таъминланди. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва матлубот кооперациясининг ташкилотлари бозорларда мева-сабзавот маҳсулотлари сотишни зарур даражада ривожлантирмадилар. Натижада шаҳарлардаги колхоз бозорларида нарх-наво ошиб бормоқда. Шу бозорлардаги нарх-наво ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 8 процент кўтарилди.

Аҳолини кийим-бош ва пойафзал билан таъминлашдаги тиғизлик бўшашмаяпти, магазинларда кийим-кечак ва пойафзалнинг турлари кам. Аҳолининг спорт ва туризм товарларига бўлган талабини қондириш муаммоси суст ҳал этилмоқда. Энг зарур рўзғор буюмлари билан савдо қилиш ишининг аҳволи секинлик билан яхшиланмоқда. Бир қанча регионларда кўпгина рўзғор буюмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган.

Савдога ёғоч ва қурилиш материаллари ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 1,3 баравар кўп етказиб берилди. Аммо аҳолининг бу материалларга бўлган талаби тўла-тўкис қондирилмаяпти.

Аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 13 миллиард сўмликка етди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13,8 процент кўпайди. Пулли хизмат кўрсатиш плани бажарилди. Корхоналарда шундай хизмат соҳаси муносиб равишда ривож топгани йўқ. Хизмат кўрсатиш асосий фаолият бўлмаган 46 та министрлик ва идорадан атиги 12 таси хизмат кўрсатиш планининг бажарилишини таъминлади.

Пулли хизматлар ҳажмининг ярмиси уй-жой-коммунал ва транспорт хизматига, тахминан чорак қисми маиший хизматга тўғри келади. Аҳолига 3,2 миллиард сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маиший хизмат ҳажми 12,7 процент кўпайди. План 101,1 процент бажарилди. Қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатиш плани 100,8 процент бажарилди.

Жами саҳни 12,9 миллион квадрат метр уй-жой, шу жумладан корхона ва ташкилотлар фондларининг маблағлари ҳисобидан 2,9 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланиш учун топширилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш 5 процент кўпайди. Умуман мамлакатда биринчи квартал плани ошириб бажарилди. Молдавия ССРдан бошқа ҳамма иттифоқдош республикаларда топшириқларнинг бажарилиши таъминланди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39 процент кўп умумий таълим мактаблари, 72 процент кўп ҳунар-техника билим юртлари, 37 процент кўп мактабгача тарбия муассасалари, 2,1 баравар кўп касалхоналар, 11 процент кўп поликлиникалар ишга туширилди. Шундай объектларни ишга тушириш юзасидан белгиланган биринчи квартал плани бажарилди. Тожикистон ССРда мактабларни, мактабгача тарбия муассасаларини, касалхоналар ва поликлиникаларни, Арманистон ССР, Эстония ССР ва Молдавия ССРда клублар ҳамда маданият уйларини ишга тушириш планлари бажарилмади.

Атроф-муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги ишда экологик вазият жуда кескин бўлган регионларга алоҳида эътибор берилди. Махсус тузилган ҳукумат комиссияси Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини тайёрламоқда.

Шу билан бирга табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуришда орқада қолинди, табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш ҳолларига йўл қўйилди. Мамлакатда табиий ресурсларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш, атроф-муҳитининг ҳолатини яхшилаш соҳасидаги ишни такомиллаштириш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш ишини тубдан қайта қуриш юзасидан асосий йўналишлар белгиланди.

* * *

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари КПССнинг Бутуниттифоқ XIX конференциясини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, экономикани ривожлантиришда биринчи кварталда эришилган ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ҳамда бу йилги планларни муваффақиятли бажариш борасидаги куч-ғайратларини тобора оширмоқдалар.

(ТАСС).

# СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Боши 1-бетда).

ринчи ўринбосари А. Г. Яшин мажлисда сўзга чиқиб, кўпгина халқ истеъмол товарлари ва хизматларга талабнинг тўла қондирилмаётганлиги мамлакатда пул муомиласини нормаллаштиришда жиддий қийинчиликларни вужудга келтираётгани, аҳоли даромадлари ва харажатларининг номутаносиблигига олиб келаётганлиги ҳақида гапирдилар.

СССР Статистика давлат комитетининг маълумотларига кўра, фақат биринчи кварталдагина савдога 1,2 миллиард сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари кам етказиб берилди. Жумладан, енгил саноат корхоналари қарийб 0,2 миллиард сўмлик товарларни кам етказиб бердилар. СССР Ўрмон хўжалиги саноати министрлиги, СССР Бинокорлик саноати министрлиги, СССР Электротехника саноати министрлигининг корхоналари савдога ёғоч-тахта, санитария-техника ускуналари, деворбоп гулқоғоз, лак-бўёқ материаллари, электротехника буюмлари етказиб бериш планини бажармадилар.

Шу муносабат билан СССР ҳукумати, СССР министрлари В. Г. Клюев, М. И. Бусигин, О. Г. Анфимов ҳисоботларини эшитди. Улар бошчилик қилаётган министрликларга қарашли корхоналарда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш планларини бажаришни таъминлашга оид ишга принципиал баҳо берилди. СССР Министрлар Совети мазкур министрликларгина эмас, шу билан бирга бошқа ҳамма министрликлар ва идоралар раҳбарлари, шунингдек СССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг доимий органлари зиммасига ишларнинг аҳволини ўнглаб олишга чинакам киришиш вазифасини юклади. Улар аҳолини халқ истеъмол товарлари билан таъминлаш масалаларини дарҳол кўриб чиқишлари керак. Ана шундай товарлар ишлаб чиқариш ва пулли хизматларни ривожлантириш учун 1988 йилга белгиланган топшириқлар сўзсиз бажарилиши керак.

Айрим министрликлар ва идоралар аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кўпайтиришда кооперациянинг ролига етарлича баҳо бермаяптилар, деб таъкидланди мажлисда. Мазкур министрликларнинг вакиллари ўз нутқларида ана шундай позицияни асослаш учун баҳоналар кўрсатишга ҳам уриндилар. Аммо бу далиллар диққат-эътибор билан кўриб чиқилганда асоссиз деб топилди. СССР Министрлар Совети министрликлар ва идоралардан, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларидан халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш юзасидан кооперативлар тузиш йўлини изчиллик билан ўтказишни талаб қилди. Кооперация равнақини секинлаштираётган бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш вақти келди ахир. Ҳамма шуни тушуниб олиши керакки, экономика давлат секторининг кооперация билан мустаҳкам ҳамкорлиги бозорга ҳар хил ва юқори сифатли товарларни мўл-кўл етказиб беришнинг тўғри йўлидир.

СССР Министрлар Совети халқ хўжалиги комплекслари ва айрим тармоқлар ишидаги камчиликларни таҳлил этишга катта эътибор берди. Бу ўринда ҳам ана шу камчиликларнинг кўпчилигига Министрлар Совети илгари ҳам диққат-эътиборни қаратганлиги таъкидланди. Аммо биринчи квартал якунлари бу камчиликлар ҳали ҳам бартараф этилмаганлигини кўрсатиб турибди.

Машинасозлик комплексидаги қолоқлик сабаблари тўғрисидаги масала алоҳида диққат-эътибор билан ўрганилди ва кўриб чиқилди. СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков докладига қўшимча тарзда машинасозлик комплексининг кўпчилик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси пастлигидан далолат берувчи ишончли фактлар келтирилди. Енгил, озиқ-овқат саноати ва қайта ишлаш саноатининг бошқа тармоқлари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва бундай асбоб-ускуналарни кўплаб тайёрлаш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст бормоқда. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга салбий таъсир этмоқда. Агар машинасозлар маҳсулотни етарлича етказиб бермасалар ишга тобора путур етиб бораверади. Пировардида бу совет кишиларининг фаровонлигига таъсир этади. Машинасозлик комплексидаги ҳар уч корхонанинг биттаси шартномавий мажбуриятларни бажармади, истеъмолчиларга 286 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Химия-ўрмон комплексидаги ишларнинг аҳволи дуруст эмас, бу комплексдаги корхоналар 269 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар.

СССР Станоксозлик саноати министрлиги, СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги, СССР Химия машинасозлиги министрлиги, СССР Ўрмон саноати министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги, СССР Нефть химияси саноати министрлигининг иш якунлари шундан далолат бериб турибдики, мазкур министрликлар тармоқларни жадал ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмадилар, корхоналарга хўжалик юритишнинг янги шароитида зарур ёрдам бермадилар, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва ресурсларни тежашдек иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли омилларидан фойдаланишга етарли эътибор бермаяптилар.

Қурилиш комплексига кирадиган министрликлар шаънига ҳам жиддий танқидий мулоҳазалар айтилди. СССРнинг Урал ва Сибирь районларида Қурилиш министрлиги, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР, Арманистон ССР, Грузия ССР ва Молдавия ССРнинг қурилиш министрликлари ўзлари учун белгиланган пудрат ишлари планларини қониқарсиз бажармоқдалар. Ишга тушириладиган кўпгина объектларни бунёд этишда анча қолоқликка йўл қўйилган, ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш тўла таъминланмади. Илгаригидек ҳозир ҳам қурилиш сифати хусусида кўпгина эътирозлар айтилмоқда. Мазкур комплекс тармоқларида ҳозирча қайта қуриш сезилаётгани йўқ. Хўжалик механизми янгича созланмаган, шу боисдан ҳам мажбурий тадбир кўриб давлат қабули жорий этилмоқда. Давлат қабули иш кўраётган жойларда яхшилик сари силжиш бор.

Бир қанча тармоқлар ва комплекслар ишида содир бўлган камчиликлар ишлаб чиқаришни ўстириш ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида жиддий тўғоноқ бўлди. 1988 йил плани ва ҳисоб-китобларда назарда тутилган энг муҳим умумлаштирувчи кўрсаткичлар бўйича ўсишнинг зарур суръатларига эришилмади. План суръатлари 6,6 процент бўлгани ҳолда олинган миллий даромад ва ижтимоий меҳнат унумдорлиги фақат 4 процент ўсди.

СССР ҳукумати СССР Госплани раиси ва СССР Молия министрининг докладларида баён этилган хулосаларга қўшилди. Бундай аҳвол содир бўлишининг асосий сабабларидан бири шундаки, СССР Министрлар Советининг доимий органлари, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари раҳбарликнинг буйруқбозлик— бюрократик усулига ҳали тўла барҳам берганликлари йўқ, раҳбарлик бундай усулининг ҳозирги вазифалар характерига номуносиблигини англаб олганлари йўқ, улар ўз ишларини суст қайта қурмоқдалар, ишлаб чиқаришни бошқаришни демократиялаш, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашни кенг кўламда жорий этиш учун зарур шарт-шароит яратмаяптилар.

СССР ҳукумати экономиканинг энг муҳим участкаларида йўл қўйилган қолоқликка тезроқ барҳам беришга катта аҳамият бериб, экономикани беш йиллик планда кўзда тутилган суръатларга мувофиқ тарзда ривожлантиришни таъминлаш учун СССР Министрлар Советининг доимий органлари, СССР министрликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига камчиликларни бартараф этиш, ўзининг ташкилотчилик ва хўжалик фаолиятини принципиал ўзгартириш вазифасини юклади.

СССР ҳукумати масалаларнинг умумий комплекси орасида қишлоқ меҳнаткашларининг кундалик ишларини алоҳида таъкидлаб кўрсатди. Кўкламги дала ишларини ўтказиш учун моддий-техника таъминоти соҳасидаги конкрет вазифалар белгиланди.

Иккинчи масала хусусида мажлисда СССР Госснаби раиси Л. А. Воронининнинг доклади тингланди. Докладчи, 1987—1988 йилларда фондлар, лимитлар ва нарядларсиз таъминотга ўтказилган истеъмолчилар катта группасининг иш тажрибаси таъминот ва маҳсулот сотишнинг анъанавий шаклларига қараганда улгуржи савдонинг муҳим афзалликлари борлигини кўрсатди, деб таъкидлади. Улгуржи савдо тўғри ташкил этилганида таъминот масалаларини оператив ҳал этишга, ҳамма зарур нарсаларни бир маромда етказиб беришга, оборот маблағларининг ҳаракатини жадаллаштиришга имкон беради. Бундан ташқари, улгуржи савдо истеъмолчилар ихтиёридаги моддий ресурслар запасларини қисқартириш эвазига анчагина миқдордаги ана шундай ресурсларнинг бўшаб қолишига имкон беради. 1987 йилнинг 1 январидан бошлаб тармоқлардаги 10 мингга яқин корхона ва ташкилот улгуржи савдо орқали моддий техника таъминотига ўтказилди. Бир йил мобайнида ана шундай йўл билан 10 миллиард сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Аммо, докладчи ва мажлиснинг бошқа қатнашчилари таъкидлашганидек, улгуржи савдонинг ривожланиши ва унинг миқёслари ҳозирча экономикани бошқаришни қайта қуриш вазифаларига жавоб бермаяпти.

Мажлисда СССР Госснаби ва СССР Агросаноат давлат комитети улгуржи савдони ташкил этиш юзасидан ишни суст авж олдираётганидан далолат берувчи анчагина фактлар айтилди. Улгуржи савдони юритиш механизми ҳали тўла таркиб топгани йўқ, ресурсларга реал эҳтиёжни ўрганишнинг форма ва методлари узил-кесил равшан эмас. Гарчи баъзан улгуржи савдо дейилса ҳам, бу ном замирида ҳамон эски мазмун турибди. Министрликлар илгариги сиёсатни ўтказмоқдалар, савдони йўлга қўйиш эмас, балки ўз қўлларидан ресурсларни чиқариб юбормаслик истаги уларни ташвишга солиб турибди. Истеъмолчиларга базалар ва магазинлардан маҳсулотни марказлаштирган тартибда етказиб беришни ташкил этишда ҳам кўпгина камчиликлар бор. СССР Госснаби ва СССР Агросаноат давлат комитети системасидаги таъминот-савдо органлари моддий-техника базасининг заифлиги улгуржи савдони ривожлантириш йўлидаги жиддий тўғоноқ бўлиб турибди.

Масала муҳокама қилинаётганида шу нарса равшан бўлдики, СССРнинг кўпгина министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари улгуржи савдонинг аҳамиятига аниқ етарли баҳо бера олмаяптилар, баъзан эса бундай савдони ривожлантиришга қаршилик кўрсатмоқдалар, ўзлари тақсимлайдиган маҳсулотнинг фирма магазинлари орқали ёки шартномалар ва бевосита лимитсиз буюртмалар орқали истеъмолчиларга эркин реализация этилишига тўсқинлик қилмоқдалар.

СССР Министрлар Совети ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдони ривожлантиришга халқ хўжалигининг моддий-техника таъминотини тубдан қайта қуришнинг энг муҳим йўналиши деб баҳо бериб, СССР Госснаби тақдим этган 1989—1990 йилларда улгуржи савдони жадал авж олдириш юзасидан таклифларни асос сифатида қабул қилди. Мажлисда айтилган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, тўла-тўкис ишлаб чиқилганидан кейин мазкур таклифлар СССР Министрлар Советига 1988 йилнинг 1 июнидан кечиктирилмай тақдим этилиши керак.

СССР Министрлар Советининг мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосарлари Ю. Д. Маслюков ва Н. В. Тализин иштирок этдилар.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков нутқ сўзлади.

(ТАСС).

